

Шавкат Мирзиёев: Ўтиш даври - кураш даври



Давлатимиз раҳбари иқтисодий комплекс олдига вазифа қўяр экан, ҳар бир ҳудуднинг хусусиятларидан келиб чиқиб лойиҳа қилиш, «ўсиш нуқталари»ни топиб, ривожлантириш зарурлигини таъкидлайди.

Сурхондарё вилоятининг шундай йўналишларидан бири - анорчилик. Айниқса, Шерободнинг анорлари катта, мазали, ҳосилдор бўлади. Шу боис унинг бозори чаққон, доврўғи чет элларгача кетган. Бу тадбиркорлар учун катта имконият, аҳоли учун даромад манбаи бўлаётир. Туманда 48 та маҳалланинг 33 таси анор етиштиришга ихтисослашган.

Шундай анорзорлардан бири «Сардорбек Султонбек» масъулияти чекланган жамияти томонидан туманнинг «Бўстон» маҳалласида ташкил этилган.

Президент ушбу боғни кўздан кечирди.

43 гектар ерда 30 минг донадан зиёд анор экилган. Қозоқи навли ушбу анорнинг бир донаси 1 килограммдан зиёд тош босиши мумкин. Кўчатлар бу йилдан ҳосилга кирди. Йилига жами минг тоннадан зиёд маҳсулот олиш мўлжалланган.

- Ўтиш даври - кураш даври. Ҳаётимизни ўзгартириш, дунё бозорида ўрнимизни топиш учун курашишимиз, манфаат берадиган ишни қилишимиз керак. Асосий мақсадимиз - оилаларнинг даромадини кўпайтириш. Ўзи меҳнат қилиб, натижага эришган оила баракали бўлади, соғлиғига қарайди, фарзандларини яхши ўқитади. Билимли болалар келажакда ўз йўлини топиб олади, - деди Президент.

Шу ерда Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали тадқиқотчилари билан мулоқот бўлди.

- Бизда анорчилик бўйича анъана бор, лекин илм йўқ, китоб йўқ, лаборатория йўқ. Анор жайдари

усулда етиштириляпти. Касалликдан ҳимоя қилишни ҳамма ҳам билмайди. Энг катта нарса - нав керак. Кейин шу навни хонадонларга киргазиш зарур, - деди Шавкат Мирзиёев.

Сурхондарёда қишлоқ хўжалигини инновацион йўналтириш бўйича институт ташкил этиш, анор билан бирга лимон, хурмо етиштиришни кўпайтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари туманнинг «Каттабоғ» маҳалласида анорчилик билан шуғулланаётган Абдурахмон Каримов хонадонида ҳам бўлиб, аҳоли турмуши ва томорқалардан фойдаланиш ҳолати билан танишди. Маҳалла аҳли, нурунийлар билан самимий суҳбат бўлди.

Туманда 5 мингдан зиёд аҳоли анор етиштириш билан шуғулланиб, ундан катта даромад топаётгани айтилди.







Манба